# ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

**Планнинг бажарилиши (процент ҳисобида)**

| | жами | шу жумладан машинада | Районлар |
|---|---|---|---|
| **КОЛХОЗЛАР:** | | | |
| **1. Охунбобоев номли** | **118,49** | **146,48** | **Ўрта Чирчиқ** |
| **2. Терешкова номли** | **108,93** | **127,90** | **Ўрта Чирчиқ** |
| **3. Тимирязев номли** | **104,16** | **145,08** | **Бўка** |
| **4. Свердлов номли** | **103,30** | **126,21** | **Ғалаба** |
| **5. «Заря коммунизма»** | **102,05** | **126,28** | **Ғалаба** |
| **6. «Октябрь 40 йиллиги»** | **101,28** | **147,45** | **Бўка** |
| 7. Ленин номли | 99,42 | 122,20 | Ғалаба |
| 8. Н. Ниёзов номли | 99,14 | 94,23 | Янгийўл |
| 9. Калинин номли | 97,40 | 107,38 | Янгийўл |
| 10. «Ленинизм» | 96,57 | 113,28 | Оққўрғон |
| 11. К. Маркс номли | 96,31 | 131,26 | Коммунистик |
| 12. Энгельс номли | 95,86 | 111,33 | Ғалаба |
| 13. К. Маркс номли | 94,00 | 90,20 | Чиноз |
| 14. Навоий номли | 93,67 | 104,20 | Чиноз |
| 15. «Коммунизм» | 93,63 | 94,64 | Янгийўл |
| 16. «Ленинский путь» | 93,45 | 131,41 | Коммунистик |
| 17. Свердлов номли | 92,22 | 110,14 | Ўрта Чирчиқ |
| 18. Охунбобоев номли | 91,76 | 75,37 | Пискент |
| 19. «Партия XX съезди» | 91,75 | 85,56 | Бўка |
| 20. «Победа» | 90,52 | 105,53 | Ғалаба |
| 21. Ленин номли | 89,63 | 67,29 | Янгийўл |
| 22. Фрунзе номли | 88,71 | 111,66 | Бўка |
| 23. «Октябрь 40 йиллиги» | 88,63 | 88,14 | Чиноз |
| 24. «Партия XXII съезди» | 88,60 | 105,89 | Ўрта Чирчиқ |
| 25. «Ленинград» | 88,33 | 104,05 | Ғалаба |
| 26. К. Маркс номли | 88,10 | 115,60 | Ўрта Чирчиқ |
| 27. «Қизил Октябрь» | 88,08 | 97,38 | Чиноз |
| 28. Вотинцев номли | 87,02 | 93,31 | Оққўрғон |
| 29. Энгельс номли | 86,85 | 71,98 | Чиноз |
| 30. К. Маркс номли | 86,59 | 103,79 | Бўка |
| 31. «Интернационал» | 85,56 | 90,81 | Янгийўл |
| 32. Ҳамза номли | 85,52 | 103,03 | Ғалаба |
| 33. «Октябрь» | 85,48 | 84,60 | Янгийўл |
| 34. Димитров номли | 84,63 | 102,15 | Ғалаба |
| 35. Ҳамза номли | 84,15 | 97,18 | Бўка |
| 36. «Ленин йўли» | 84,06 | 88,65 | Бўка |
| 37. Киров номли | 83,92 | 85,81 | Чиноз |
| 38. Ленин номли | 83,79 | 110,61 | Ўрта Чирчиқ |
| 39. Охунбобоев номли | 83,28 | 62,05 | Чиноз |
| 40. «Ўзбекистон» | 83,16 | 113,43 | Коммунистик |
| 41. «Ленинобод» | 82,89 | 84,96 | Бўка |
| 42. «Партия XIX съезди» | 82,36 | 93,33 | Бўка |
| 43. «Гулистон» | 81,98 | 82,86 | Пискент |
| 44. Турсунқулов номли | 81,06 | 51,42 | Янгийўл |
| 45. Киров номли | 81,01 | 96,09 | Ғалаба |
| 46. «Партия XXII съезди» | 80,07 | 69,35 | Оққўрғон |
| 47. «Коммунизм» | 79,80 | 116,91 | Бўка |
| 48. «Ленинизм» | 79,69 | 82,83 | Янгийўл |
| 49. «Москва» | 79,61 | 80,33 | Ғалаба |
| 50. «Политотдел» | 79,59 | 98,49 | Коммунистик |
| 51. Куйбишев номли | 79,27 | 98,52 | Ўрта Чирчиқ |
| 52. «Москва» | 79,10 | 83,79 | Чиноз |
| 53. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» | 78,69 | 67,81 | Чиноз |
| 54. «Правда» | 78,38 | 102,78 | Коммунистик |
| 55. Ильич номли | 78,35 | 90,38 | Бўка |
| 56. Свердлов номли | 77,67 | 58,11 | Пискент |
| 57. «Северний маяк» | 77,43 | 108,71 | Ўрта Чирчиқ |
| 58. «Коммунизм» | 75,37 | 63,08 | Оққўрғон |
| 59. «СССР 60 йиллиги» | 74,86 | 85,71 | Янгийўл |
| 60. Ленин номли | 74,62 | 65,32 | Бекобод |
| 61. «Озод» | 74,26 | 73,05 | Оққўрғон |
| 62. Энгельс номли | 74,08 | 103,10 | Ўрта Чирчиқ |
| 63. Охунбобоев номли | 73,86 | 80,45 | Оққўрғон |
| 64. Навоий номли | 73,83 | 114,49 | Оққўрғон |
| 65. Куйбишев номли | 73,13 | 68,32 | Оққўрғон |
| 66. Навоий номли | 72,62 | 54,57 | Бекобод |
| 67. Дзержинский номли | 72,25 | 61,70 | Бекобод |
| 68. Тельман номли | 70,56 | 70,32 | Пискент |
| 69. «Ленин йўли» | 70,54 | 39,09 | Ўрта Чирчиқ |
| 70. Калинин номли | 70,38 | 64,55 | Пискент |
| 71. «Партия XXI съезди» | 70,19 | 56,11 | Янгийўл |
| 72. Х. Олимжон номли | 69,81 | 73,72 | Оққўрғон |
| 73. «Ленинобод» | 69,30 | 63,11 | Оққўрғон |
| 74. Ким Пен Хва номли | 68,93 | 41,99 | Ўрта Чирчиқ |
| 75. А. Икромов номли | 68,60 | 74,32 | Ўрта Чирчиқ |
| 76. Свердлов номли | 68,22 | 89,52 | Коммунистик |
| 77. «Ленинизм» | 67,24 | 71,00 | Бўка |
| 78. Жамбул номли | 66,35 | 75,00 | Бўка |
| 79. Ленин номли | 64,77 | 60,60 | Пискент |
| 80. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» | 63,48 | 61,12 | Пискент |
| 81. Мичурин номли | 63,28 | 75,35 | Бўка |
| 82. «Коммунизм» | 62,42 | 75,00 | Ўрта Чирчиқ |
| 83. «Победа» | 59,85 | 41,35 | Бекобод |
| 84. «Коммунизм» | 49,21 | 25,94 | Бекобод |
| **СОВХОЗЛАР:** | | | |
| **1. САМИС** | **121,97** | **190,34** | **Янгийўл** |
| **2. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги»** | **101,97** | **121,11** | **Ғалаба** |
| 3. С. Сегизбоев номли | 91,15 | 123,36 | Оққўрғон |
| 4. «Партия XXIV съезди» | 89,00 | 50,22 | Чиноз |
| 5. Ойбек номли | 86,63 | 82,43 | Бекобод |
| 6. «Оққўрғон» | 86,41 | 109,93 | Оққўрғон |
| 7. Киров номли | 85,97 | 89,83 | Ғалаба |
| 8. Колпакова номли | 80,22 | 20,43 | Бекобод |
| 9. Бўка техникуми ўқув хўжалиги | 80,00 | 42,02 | Бўка |
| 10. «КПСС XXVI съезди» | 79,23 | 89,51 | Пискент |
| 11. «Пискент» | 77,48 | 89,88 | Пискент |
| 12. «Коммунизм» | 76,27 | 89,63 | Ғалаба |
| 13. «Кремль» | 72,09 | 76,38 | Бўка |
| 14. «Ленинград» | 71,57 | 36,72 | Бекобод |
| 15. «Кўкорол» | 69,65 | 54,41 | Бўка |
| 16. ТИИИМСХ ўқув хўжалиги | 64,81 | 64,40 | Ўрта Чирчиқ |
| 17. «КПСС XXV съезди» | 61,10 | 45,26 | Бекобод |
| 18. «Далварзин» | 55,87 | 44,46 | Бекобод |
| 19. Мавлонов номли | 54,30 | 42,65 | Бекобод |
| 20. «Авангард» | 49,12 | 30,46 | Бекобод |

## ҚЎШИМЧА 150 ТОННА

ҒАЛАБА районидаги саноат корхоналарида йиллик ишлаб чиқариш планларини бажариб қўйган меҳнат коллективлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Кетмонтепа луб заводининг мастер Валентина Ившева бошлиқ узун тола ишлаб чиқариш коллективи съездолди вахтасида туриб ишлаб, ўтган давр мобайнида пландаги 684 тонна ўрнига 698 тонна узун тола тайёрладилар.

Созловчи уста В. Фомин етакчилигидаги бригада ишчилари эса йиллик планни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Илғор коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча яна 150 тонна аъло сифатли узун тола ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

**С. МУСТАФОЕВ.**

## ТЕЖАМКОР БРИГАДА

ЧИРЧИҚДАГИ «Узэлектромонтаж» бошқармаси коллективи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Коллективда тежамкорликка катта эътибор берилган. Ҳар бир бригада ўзининг шахсий иқтисод ҳисобига эга. Хомашёлардан унумли фойдаланишда А. Жалилов бошлиқ бригада электромонтажчилари юқори натижаларга эришаётирлар. Улар ўтган саккиз ой якунларига кўра 34,2 минг сўмлик материалларни тежаб қолдилар.

**Ш. ИСРОИЛОВ.**

## ЛАУРЕАТЛАРИМИЗ



# НИЯТ

«КПСС XXVI съезди» совхози партия комитетининг навбатдаги йиғилиши давом этарди. Ўшанда Очил минг хил хаёлга борди. «Оддий сувчи бўлсам. Бу соҳада тажрибам ҳам мақтагудек эмас. Кимсан яна ўзим ишлаётган бригаданинг етакчисини танқид қилсам...».

Шу тобда партия сафига қабул қилинаётган кезлари кўз ўнгидан ўтди. Райком секретарининг сўзлари ёдига тушди-ю, бирдан сергакланди:

— Коммунист ҳамма жойда камчиликларга қарши муросасиз кураш олиб бормоғи зарур...

Очил қўлини баланд кўтарди. Назарида ҳеч ким уни пайқамаётгандек туюлди. Тоқати тоқ бўлиб, товушини чиқарди:

— Мен гапирсам майлими?

— Марҳамат,— деди партком секретари. Ҳамма шуни кутиб тургандек залга сукунат чўкди.

Очил минбар олдига етиб келгач, ўтирганларга разм солди.

— Ўртоқлар! Ишончим комилки, бригадамиз бу йил ҳам қолоқлик тамғасини бўйнидан соқит қилолмайди. Қатъий фикрим шу: бригадирни алмаштириш зарур. Чунки унинг ҳатти-ҳаракатлари коммунистга хос эмас. Етакчимиз ишчиларга бир поғона баланддан туриб муомала қилади. Раҳбарман деб буйруқ беришни яхши кўради. Коллективни ҳурмат қилмайди, шунинг учун бригадада носоғлом муҳит ҳукм сурмоқда.

Танқид ҳаммани сергаклантирди. Кимдир дилидагини айтди:— Яша, Очил, мингта баландпарвоз сўздан, битта ҳақ гап маъқул. Ҳақиқатни ҳеч ким букаолмайди.

Шундан сўнг совхоз директори Аҳмад Дўсбеков Очилга:

— Раҳмат ука. Коммунист ҳар доим фойдали мулоҳазаларни ўртага ташлаши зарур,— деди.

Эртаси куниёқ 3-бўлим идорасида қисқа муддатли йиғилиш бўлди. 3-бригада ишчилари ёш коммунист Очил Абдуллаевни бир овоздан ўзларига етакчи қилиб сайладилар... Бу Очил учун кутилмаган иш бўлди, лекин Очил ҳовлиқмади. «Эплай олмайман» деб важ ҳам қидирмади.

— Ўшанда ҳақ гапни айтиб, роса хижолат бўлган эдим,— дейди Очил ака бундан 6 йил муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни хотирлаб,— етакчилик минбардан туриб сўзлашдек осон иш эмас. Кузда кўрамиз ҳолингни, жўжахўроз!—деб пичинг қилганлар ҳам бўлди. Лекин арз қилиб юришнинг вақти эмасди. Кўпчиликнинг, қолаверса совхоз дирекцияси ва партия комитетининг ишончини оқлаш зарур эди.

Албатта коллективни илғорлар сафига қўшиш анча оғир иш эди. 80 гектар майдоннинг тенг ярми деярли яроқсиз ҳолга келган, биринчи галда уни унумдор ерга айлантириш керак эди. Бригадир ишни шундан бошлади. Шудгордан сўнг юзага чиқиб қолган бегона ўт илдизларини қўлда йиғиштириб чиқишди. Кам ҳосилли ерларга қўшимча маҳаллий ўғит солинди. Алмашлаб экиш бригадада икки — уч йилдан буён мутлақо жорий қилинмас эди. Алмашлаб экишга ер ажратилди.

Бригадир ҳафтада бир қорасини кўрсатиб ўз ишини қилиб юрадиган ишчилар билан алоҳида шуғулланди. Чунки бригадада интизомнинг бузилишига асосий сабаб шу эди. Икки-уч огоҳлантиришларга, тушунтиришларга қарамай ўз билганидан қолмаган интизомсизларга қатъий чора кўрилди. Шу тариқа коллективда мустаҳкам интизом йўлга қўйилди.

Қилинган ишлар, белгиланган тадбирлар ўз самарасини бермай қолмади, энг муҳими одамларда ишга бўлган муносабат ўзгарди. Шу туфайли дастлабки синов йилидаёқ узлуксиз бир неча йил планни бажаролмай келаётган бригада бўлимдагина эмас, совхозда биринчи бўлиб маррани эгаллади. Ҳосилдорлик анча кўтарилди. 1981 йилда эса коллектив район миқёсида энг юқори кўрсаткичга эришди. Кейинги йил давомида ҳам ҳосилдорлик юқори бўлди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги кескин ошди. Бу муваффақиятлар учун бригада бошлиғи II даража «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Энди коллектив ҳам, унинг етакчиси ҳам фақат ютуқларни кўпайтиришни ўйларди.

Очил Абдуллаевнинг бригада деҳқонларининг тили билан айтганда «ғалати одати» бор, нималарнидир ўйлаб топиб юради. Бир куни ҳаммани йиғиб шундай деди:

— Мен анчадан буён бир нарсани ўйлаб юрибман, бундай қарасам экинзорларимизнинг четларида ариқ-зовур бўйларида жуда кўп ерлар бекор ётибди. Агар бу майдонларни ўзлаштирсак анча ер қўшилади, қанча пахта кўпаяди. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Ташландиқ, «яроқсиз» ҳисобланган жойлар ўзлаштирилди, пахта экилди пировардида пахтанинг миқдори ҳам, сифати ҳам ошди.

Ишчиларнинг даромади ҳам шунга яраша бўлди. Бригада пахтакорлари йил бўйи ишлаб топилган меҳнат ҳақининг ҳар сўмига 75 тийиндан қўшимча даромад олдилар. Сувчи Саидқосим Ҳусановнинг соф даромади 1,5 минг сўмдан ошди. Механизаторларники эса 2,5 мингга яқин бўлди.

Ташаббускор бригада пахтакорлари ҳузурига бу галги ташрифимиздан мақсад, Очил Абдуллаевни қутлуғ унвон билан табриклаш эди. Область «Оқ олтин» мукофоти лауреати! Муносиб унвон.

— Бу йил 87 гектар ерга С-4880 навли чигит эккан эдик. Пахта мўл бўлди, ҳар туп ғўзада 16—18 тадан бўлиқ кўсак етилди. бир текис очилди. Йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ниятимиз; тез кунларда 40 центнерлик социалистик мажбуриятни бажариш...

Ният... У сўзи билан иши бир кишиларга ҳамроҳ. Тадбиркор коммунист, «Оқ олтин» мукофоти лауреати Очил Абдуллаев бошлиқ коллектив пахтакорларининг ниятлари амалга ошади, чунки уларнинг ғайрати, шижоати шуни кўрсатиб турибди...

**С. ИНОМОВ,**
**Пискент райони.**

✦

**РЕДАКЦИЯДАН: бу материал вёрстка қилинаётганда Пискент районидан хушхабар олдик. Очил Абдуллаев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш планини совхозда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 250 тоннадан ортиқ хом ашё топширилди. Коллектив ишчилари 40 центнерлик мажбуриятларини ҳам тезроқ бажариш учун терим суръатини сусайтиришмаяпти.**

*«Тошкент ҳақиқати» мухбири саволларига жавоблар*

# ЎТГАН ЙИЛГИ НУҚСОНЛАР ТАКРОРЛАНМАСЛИГИ КЕРАК

*Уй-жой-коммунал хўжалиги қишга тайёрми?*

**ОБЛАСТЬ ижроия комитетининг топшириғи билан турар-жой, шифохона, мактаб, болалар боғчаларида ва бошқа социал-маиший объектларининг иситиш системалари 25—31 октябрь оралиғида синов тариқасида ишлатиб кўрилади. Шу муносабат билан мухбиримиз А. Йўлдошев область уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳ. Аҳмедовга бир неча савол билан мурожаат қилди.**

**— Қиш эшик қоқаяпти. Уй-жой ва социал-маиший биноларнинг ички-ташқи ҳолати, иситиш ва сув билан таъминлаш системалари бенуқсон ишлаши учун ҳозирданоқ кам-кўстсиз тахт бўлиши керак. Акс ҳолда қишда аҳолига қийин бўлади, бошқарма хизматчиларининг ортиқча юмуши кўпайиб кетади. Бу йилги тайёргарлик пайтида ўтган мавсум сабоқлари ҳисобга олиндими?**

— Албатта, бусиз мумкин эмас. Чунки ўтган йили область уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари иш маромининг бузилиши ҳоллари юз берди. Бу тайёргарлик пайтида йўл қўйилган нуқсонлар ҳамда синов пайтидаги эътиборсизлик оқибати эди. Мавжуд 20 та ремонт-қурилиш бошқармаси, участка ва механизациялашган кўчма колоннадан 6 таси уй-жой фонди ремонти планини бажармаган эди. Ангрен шаҳрида умумий майдони 7 минг квадрат метр бўлган тўртта уйнинг томи капитал ремонт қилинмай қолганди. Иситиш системаси авария ҳолатида бўлгани сабабли Янгийўл шаҳрида 26 та уй, Бекобод шаҳрида 43 та ва Олмалиқ шаҳрида 57 та уй узоқ муддат иситилмай турди.

Бу йил ана шундай нуқсонларнинг такрорланмаслиги учун қишга тайёргарлик кўриш ишлари апрель ойидаёқ бошлаб юборилди. Бунинг учун бошқарма «Облжилобъединение», «Облтеплокоммунэнерго», «Облводоканал» ва «Облремстройтрест» ташкилотлари билан биргаликда область иссиқлик таъминоти, уй-жой фонди, шаҳар, район марказлари ва шаҳар посёлкалари коммунал корхоналари объектларини қиш мавсумига ўз вақтида сифатли тайёрлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида бу йил шаҳар хўжалигини қишга ҳар томонлама пухта тайёрлашга жиддий эътибор берилди. Уй-жой, қозонхона, иссиқлик тармоқларини тартибга келтиришда ремонт ташкилотларига амалий ёрдам бериш мақсадида саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишчиларидан махсус бригада ва звенолар ташкил этилди.

Уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари ҳозирги кунгача қишга тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирларнинг 90 процентдан кўпроғини бажариб қўйдилар. Ўтган йилдагидан фарқли ўлароқ асосий эътибор ремонт ишларининг сифатига қаратилди. «Ташоблтеплокоммунэнерго» бошқармаси ихтиёридаги 41 та қозонхонадан 3 таси капитал ремонт қилинди, 38 таси эса жорий ремонтдан чиқариб қўйилди. Томлар ва иссиқлик тармоқларининг ремонти ҳам тугалланяпти.

**— Ҳамидулла Аҳмедович, сизнинг таъкидлашингизга қараганда, қишга тайёргарлик кўриш ишлари суръати ҳам, сифати ҳам йилдан йилга яхшиланиб бораяпти. Бошқарманинг бу йилги ишидан ҳам шундай хулоса чиқариш ўринли бўладими?**

— Ривожланиш маъносида ўринли, албатта. Аммо, шу кунгача қилинган ишлар ўзимизни қаноатлантирмайди. Айниқса, ўтган йилги нуқсонлардан айримларининг бу йил ҳам такрорланаётгани бизни ташвишлантирмоқда. Масалан, аввалги мавсумдагидек, уй-жойларни капитал ремонт қилиш 9 ойлик плани бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабаби меҳнатнинг нотўғри ташкил этилганлиги, ишчи кучлари ва қурилиш материалларининг етишмаслиги, давлат ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, область ремонт-қурилиш трести томонидан назоратнинг, «Облжилобъединение» трести томонидан эса буюртмачи сифатида талабчанликнинг сустлигидир.

Оҳангарон, Наримонов, Янгийўл, Чиноз шаҳарларида уй-жойларни, қозонхона, иссиқлик тармоқлари ва иситиш системаларини, шунингдек, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, савдо ва маъмурий объектларни қишга тайёрлаш қониқарли эмаслигини ҳам таъкидлаш керак бўлади.

**— Хизмат кўрсатиш тармоқларини аҳоли эътирозига ўрин қолдирмай бир маромда ишлай оладиган даражада ривожлантириш мақсадида янги комплекс программа эълон қилинди. Область уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси ана шу янги программа асосида қандай конкрет тадбирларни амалга оширишни планлаштирмоқда?**

— Аввало шуни айтиш керакки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программаси партия ва ҳукуматнинг совет халқлари моддий ва маънавий турмушини яхшилаш йўлидаги тинимсиз ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир. Бу муҳим ҳужжатнинг республикамизга тааллуқли қисмида аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш, янги водопровод тармоқларини барпо этиш белгиланган. Шунга кўра 1986 йилда областда 30,2 километр водопровод ва 24 километр канализация линиялари бунёд этилади. Бунинг учун 6 миллион 298 минг сўм капитал маблағ ажратилган.

Биз область аҳолисига коммунал-маиший хизмат турларини кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Ҳозирданоқ область меҳмонхоналарида шаҳарлараро телефон алоқасидан кредитга фойдаланиш, кийим-кечакларни ремонт қилиш ва дазмоллаш хонаси, прокат ҳамда умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари пунктлари меҳмонларга янги хизмат турларини кўрсатмоқда. Аҳоли техник жиҳозлаш бюроси, кўкаламзорлаштириш хўжалиги ва санитария-тозалаш комбинатларининг 10 дан зиёд янгича хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Бироқ айрим жиддий муаммоларни ҳал этмай туриб, область уй-жой-коммунал хўжалигини комплекс программа талаблари даражасида ривожлантириб бўлмайди. Биз ишда бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқдамиз.

БИРИНЧИДАН, бошқармамиз зиммасига областдаги барча уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари ишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Партия ва совет органлари, шунингдек, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги эса уларнинг иши юзасидан талабни биздан қиладию, аммо бу масалани юридик жиҳатдан ҳал этмайди. Область уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари — «Облжилобьединение», «Облтеплокоммунэнерго», «Облводоканал», «Облремстройтрест» учун моддий-техника ресурслари, штат ва бошқа лимитлар республика бирлашмаси орқали ажратилиши сабабли бу корхоналар устидан раҳбарлик қилиш қийин бўлаяпти.

ИККИНЧИДАН, ҳозир маҳаллий Советларнинг уй-жой фонди ачинарли аҳволга келиб қолган. Чунки капитал ва жорий ремонт учун ажратиладиган маблағ чекланганлиги сабабли уйларнинг кўпи 20 йиллаб ремонт қилинмайди. Мавжуд уй-жой фондини 3—5 йил давомида яхшилаб олиш учун капитал ремонт ишларига йилига 10—12 миллион сўм пул керак бўлади. Бу муҳим масала ҳам ҳал бўлмай келаяпти. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, капитал ремонт учун керакли миқдорда маблағ ажратилгани билан пудратчи ташкилот бўлган «Облремстройтрест» шунча ҳажмдаги ишни бажара олмайди. Сабаби — бу ташкилот механизация воситалари билан 30 процент таъминланган, холос.

УЧИНЧИДАН, ҳар йили 100 га яқин кўп қаватли уй капитал ремонт қилинади. Аммо бу уйларнинг сиртини ремонт қилиш биз учун муаммо бўлади. Чунки «Облремстройтрест»да фақат иккитагина гидроюккўтаргич бор. Унинг ҳам биттаси аллақачон хизмат муддатини ўтаб бўлган, ҳисобдан чиқариб юбориш қолди, холос.

ТЎРТИНЧИДАН, капитал ремонт юзасидан белгиланган план молиявий томондан мустаҳкамланмайди. Масалан, 1983 йили турар-жой фондини ремонт қилиш учун 483 минг сўм, 1984 йили 460 минг сўм кам ажратилди. Оқибатда «Облремстройтрест»нинг молиявий аҳволи жуда ёмонлашди. У керакли ремонт материалларини олишга ҳам, қурувчиларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида беришга ҳам қийналяпти. Уй-жой фондини капитал ремонт қилишни планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш бўйича икки йилдан бери қўлланилаётган бу усул бизнингча нотўғридир.

Ана шу қийинчилик ва муаммолар тўғри ҳал этилса маиший хизматни ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программасини муваффақиятли амалга ошириб бориш учун имкониятлар вужудга келган бўларди.

# ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ БАРВАҚТ ИШГА ТУШИРАЙЛИК

**ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН КОЛЛЕКТИВЛАР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН**

«СРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»нинг «Промстрой» ва республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Промжилводстрой» трестлари коллективлари икки йилдан камроқ вақт ичида Чирчиқ дарёсининг иккала соҳилидаги қуруқ бўшлиқда Тошкент мотор заводининг улкан корпусларини барпо этдилар. 30 миллион сўмликка яқин маблағ ўзлаштирилди, янги тракторлар учун 100 от кучилик двигателлар ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди. Бундай тракторларни «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Тракторсозлар ва Тошкент трактор заводи реконструкциясини олиб бораётган коллективлардан сўнг Тошкент мотор заводи қурилишида иштирок этаётган қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотларининг коммунистлари, ишлаб чиқариш илғорлари, хўжалик раҳбарлари партия-хўжалик активи ўтказдилар.

Қурилаётган корхона директори А. Б. Бўриев ва «Промстрой» тресте бошқарувчиси Х. Т. Содиқовлар йиғилиш иштирокчиларига Тошкент мотор заводи қувватларини барпо этишни жадаллаштириш ва муддатидан илгари фойдаланишга топшириш юзасидан зарур тадбирлар тўғрисида ахборот бердилар.

Докладлар юзасидан музокараларда 76-механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотининг секретари А. Р. Собиржонов, «Промжилводстрой» тресте бошқарувчиси А. Н. Сороботатько, 12-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири С. Назаров, «Узстальконструкция» тресте бошқарувчиси В. П. Левицкий, «Промжилводстрой» тресте комплекс бригадаси бригадири Г. Б. Ли, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари В. Н. Скриневский, Тошкент мотор заводининг созловчиси С. Гайдуков, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Э. Т. Турсуновлар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар шуни таъкидладиларки, сўнгги вақтда қурилиш-монтаж ишлари суръати бир мунча секинлашди. Тўққиз ойлик план бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири қурилиш ишлаб чиқаришнинг суст ташкил этилиши, топширилган иш учун масъулият ҳиссининг камайишидир. Айрим бош пудрат ташкилотлари раҳбарлари ва буюртмачида хотиржамлик кайфиятига берилиш юзага келди. Бунинг оқибатида заводнинг ишга тушириладиган биринчи ва иккинчи комплексларининг кўпгина объектлари ҳамон тугалланганича йўқ. Нотиқларнинг таъкидлашича, бундай қолоқликнинг сабаблари ичида лойиҳадаги камчиликлар, қурилиш майдонидаги вазиятни лозим даражада таҳлил қилмаслик, социалистик мусобақанинг суст ташкил этилиши, айрим коллективларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг талаб даражасида бўлмаслиги ҳам бор. Шунингдек, 93-, «Промвентиляция», «Узэлектромонтаж» ихтисослашган трестлари ва республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг айрим бўлинмаларида иш суръати сусайиб кетганлиги ҳам шунга олиб келди.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг комплект етказиб берилмаслиги оқибатида ҳам қатор қийинчиликлар вужудга келди. Аввало объектларни изчил ва навбати билан қуриш технологияси бузилди, ишчи кучи ва моддий-техника ресурслари кўпгина объектларга тарқатиб юборилди.

Ҳозирги вақтда қурилиш иштирокчиларининг асосий эътибори минглаб двигатель ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги қувватларни ишга туширишни ҳар томонлама жадаллаштиришга қаратилмоғи лозим.

Йиғилишда рақамли программ бошқариладиган станокларда ишлай олувчи, электрон техника асосида яратилган эгилувчи автоматлашган системалар билан чуқур таниш бўлган юксак малакали кадрлар тайёрлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Қурилаётган корхона машинасозлигимизнинг фақатгина эртанги куни бўлиб қолмай, шу билан бирга бугуни ҳамдир. Тошкент мотор заводи замонавий, юксак унумли асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Ҳозирги вақтда Владимир областидаги турдош корхоналарда 160 киши ўқимоқда. Бу жуда камдир. Тошкент ва Наримонов шаҳарлари комсомол ташкилотлари юксак малакали фойдаланувчи кадрлар тайёрлаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари объектларни юксак сифат билан қуриш, ишловчилар учун яхши турмуш шароитларини яратиб бериш ҳақида доим ғамхўрлик қилишлари керак. Уй-жойлар, коммунал ва маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар қурилишидаги қолоқликни яқин вақт ичида бартараф этиш даркор. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитети ва буюртмачи шаънига қаттиқ таъналар билдирилди. Чунки улар бу муҳим масалаларга етарли эътибор беришмаяпти. Инженерлик коммуникацияларини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳали ҳам ҳал қилинганча йўқ, моторсозларнинг уй-жой посёлкасини қуришга киришилмаган, 280 ўринли болалар комбинати, пионер лагери, 800 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника ва бошқа шу каби объектларни барпо этиш ишлари ҳамон бошланмаган.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент мотор заводининг қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш бўйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарамиз, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз деб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область ва Тошкент шаҳар партия комитетларини ишонтирдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко нутқ сўзлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПОЧТАСИДАН

## САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### КАТТА ТЕАТРНИНГ КИЧИК САҲНАСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрида ташкил этилган кичик саҳна ўзига хос ижодий лабораторияга айланиб қолди, қатор қизиқарли асарлар муваффақиятли қўйилди.

Кичик саҳна усталари яна бир неча спектаклни тайёрлашни режалаштириб қўйдилар. Таниқли Америка композитори Монотти яратган «Телефон» номли опера асари тез кунда саҳна юзини кўради. Ундаги асосий ролларни театрнинг истеъдодли актёрлари ижро этадилар.

### «ШИШАДАН ЯСАЛГАН ҲАЙВОНЧА»

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг кичик саҳнасида қўйилаётган асарлар томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

Театрнинг янги мавсумида бир неча асар саҳна юзини кўради. Шулардан бири Американинг прогрессив драматурги Т. Уильямснинг «Шишадан ясалган ҳайвонча» номли асаридир. Янги спектаклни Ўзбекистон ССР Халқ артисти Светлана Норбоева саҳналаштиришга киришди. Бу унинг биринчи режиссёрлик ишидир.

**А. АЛИЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**

## РЕДАКЦИЯ ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

Шу йилнинг тўққиз ойи давомида штатсиз ва ишчи-қишлоқ мухбирлари, турли соҳа кишиларидан 6691 та хат олинди. Уларнинг 92 проценти газета саҳифаларида босилди. 255 та шикоят-хатнинг 131 таси газетада эълон қилинди. Қолганлари эса текшириш ва чора кўриш учун тегишли партия, совет органлари, турли ташкилот ва муассасаларга юборилди.

Ушбу саҳифа редакцияга келган хат-хабарлардан тайёрланди.



## Газетхон ёрдам сўрайди

### Айтавериб чарчадик

БРИГАДАМИЗ колхозда энг йирик, кенг тармоқли ҳисобланади. 100 гектар пахта, 40 гектар беда ва 38 гектар каноп майдонимиз бор. Шунча экинни кун бўйи парвариш қилиб, кечқурун уйга қайтганимиздан сўнг кўнгилдагидек дам ололмаймиз. Айниқса, ёзнинг иссиқ, дим оқшомларида чанг-тўзон туфайли ҳовлида, яъни очиқ ҳавода ўтиролмаслигимиз бизни қаттиқ ранжитади. Сабаби — кўчамизга 1961 йили ҳашар йўли билан шағал тўкилганидан сўнг ҳеч ким қарамай қўйган.

Колхознинг машина ва тракторлари сут-товар фермасига ва минерал ўғитлар омборхонасига бизнинг 80 хонадон жойлашган кўчамиз орқали қатнайди. Туя ўркачидек ўйдим—чуқур кўчамиздан ёзда чанг, қишда эса лойдан юриб бўлмайди. Бу ҳақда колхоз правлениеси ва партия ташкилотига мурожаат қилавериб чарчадик. Натижаси бўлмаяпти. Ниҳоят, ёрдам сўраб редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

**Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз 9-бригадаси аъзолари номидан Бекжонов, Омонқулов, Юсупов ва бошқалар.**

### Чала қолиб кетди

БИЗ ҲАМ шу райондаги «Коммунизм» колхози территориясида яшаймиз. «Тошкент—Ангрен» магистрал йўлининг хўжалигимизни кесиб ўтган участкасида жами бешта бекат бор. Аммо фақат бир томондаги бекатларнинг усти ёпилган. Иккинчи томонида эса йўловчилар ёмғир — қор остида автобус кутадилар.

Тўрт-беш йил муқаддам Оҳангарон йўл-эксплуатация участкаси усти ёпиқ бекатлар қуришни бошлади-ю, чала қолдириб кетди. Шу аҳволда ётаверадими?

**Колхоз аҳли номидан**
**Ў. ДЕРБЕСОВ.**

### Боши берк кўчадамиз

ЁЗ ЎТИБ, куз келди. Қиш ҳам яқин қолди. Ҳадемай ёғин-сочинли кунлар бошланади. Шуни ўйлаганимизда кўнглимиз ғаш бўлиб, ташвишимиз ортади. Чунки Куйбишев районига қарашли 2-Урицкий кўча қиш мавсумига тайёр эмас. Кўчамизга ахлат ташийдиган машиналар ойлаб келмаслиги сабабли ҳаммаёқ ифлос бўлиб ётипти. Оққўрғон ариғи кўчамиз бўйлаб 1,5—2 метр баландликда оқади. Унинг суви асфальтланган кўчамизга сизиб ётади. Машиналар ўтган сари асфальт кўчиб, ўпирилиб, кўча ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Айрим жойлардан пиёда ўтиб бўлмайди.

124—142-уйлар, яъни 10 хонадон жойлашган кўча тупик бўлиб қолган. Бу боши берк кўча билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бунинг устига кечқурунлари кўча зим-зиё бўлиб қолади. Симёғочларга биронта ҳам электр чироғи ўрнатилмаган.

Бу кўчани қиш бошлангунча тартибга келтириш ҳақида ким ғамхўрлик қилишини билишни истаймиз.

**2-Урицкий кўчасида яшовчилар номидан**
**Г. РУСТАМОВА.**

## КОЛЛЕКТИВ УНГА ИШОНАДИ

### ЛАВҲА

«Қандай бўлмасин, цехни қолоқликдан чиқариш керак!». Ёш коммунист Валижон Муродов цехда иш бошлаган дастлабки кuниёқ шундай қарорга келди. У даставвал цехнинг ишбилармон мастерлари — Галина Аглиулина ва Фурқат Султоновларга маслаҳат солди. Цехдаги мавжуд имкониятларнинг барчаси ҳисоблаб чиқилди. Ветеран ишчилар билан, ўз ишининг устаси бўлган эски мастер ёрдамчилари билан суҳбатлар ўтказилди.

У ишни қайта ташкил этишдан бошлади. Цехларда кадрлар масаласи ҳам кўнгилдагидек эмасди, улар жой-жойига қўйилмаганди. Ҳаммасини ана шундан — иш тақсимотини қайта кўриб чиқишдан бошлаш керак эди. Шундай бўлди ҳам. Мастер ёрдамчиларининг дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонаси бир мунча кенгайтирилди. Авваллари 60 та дастгоҳ билан чегараланган йигитлар энди 72 тадан дастгоҳни ўз ихтиёрига олишди. Шунингдек, асосий касб эгалари — тўқувчиларнинг иши ҳам тубдан ўзгарди. Улар ҳам эндиликда нормада белгиланган 42 та дастгоҳ ўрнига юқори зичликда 48 та дастгоҳга хизмат кўрсатадиган бўлишди.

Бундан тўққиз ой муқаддам иккинчи тўқув ишлаб чиқаришининг 3-цехида тўрттала сменанинг биронтаси ҳам планни бажаролмаганди. Цехда маҳсулот сортлилиги плани 87,44 процент ўрнига 86,45 процентга бажарилганди.

Ниҳоят июль ойига келиб амалга оширилган тадбирлар натижаси кўринди: Галина Насибовна етакчи бўлган 5-участканинг иккинчи сменаси ойлик планни 100,7 процентга адо этди. Ўша пайтлар мазкур участкада эски маркадаги «АТСВ-200» дастгоҳлари янги техника билан алмаштирилаётган эди. Участкада 432 та дастгоҳ монтаж қилинган, қолганлари эса энди ўрнатила бошланганди. Валижон Муродов янги техника воситалари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашнинг муҳим омилларидан эканлигини биларди.

### БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

Шунинг учун уларни тезроқ ишга тушириш чораларини кўрди. Натижада 43 комплектдаги 72 та дастгоҳ пландаги уч ой ўрнига бир ярим ойда тўла ўзлаштирилди.

5-участканинг Фурқат Султонов бошлиқ биринчи сменаси илғорликни қўлга олди: Улар астойдил ишлаб, топшириқни 102—104 процентга етказиб уддалашди. Энди цехда чиндан ҳам анча сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда эди. Ишчиларнинг ўзлари ҳам ана шундай ишлаш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилишганди. Валижон Муродов цехни қабул қилган кундан буён ўтган тўрт ой ичида коллективнинг бундай ютуққа дастлабки бор эришиши эди.

—Эришилган натижалар —чегара бўлолмайди. Ҳали ҳам ишимизда камчиликлар йўқ эмас, — дейди цех бошлиғи. — Сменаларда ҳамон чиқинди чиқиш ҳоллари кўп учрайди, цехда реконструкция қилинмаган участкалар ҳам бор, уларни янги техника билан қуроллантириш лозим. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг самарали усули —бригада пудратига ҳанузгача ўтганимиз йўқ. Ана шу масалаларни ҳал этганимиздагина ишларимиз янада жонланади.

Валижон Муродов таъкидлаганидек, цехда ҳали излаб топилмаган, ишга солинмай ётган имкониятлар талайгина. Уларни ўз вақтида пайқаб, мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш, хомашё тежамкорлигига риоя қилган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш — цех коллективи олдида турган муҳим вазифадир. Айни кунларда коллектив бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш йўлида изланмоқда.

Май ойи план-топшириқларини ҳам шараф билан уддалаган коллектив республикамизнинг 18 илғор ишчиси бошлаган «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусига қўшилган ҳолда партиямизнинг буюк анжуманига муносиб меҳнат туҳфалари ҳозирлаш ниятида тер тўкмоқдалар. Бу ҳаракатнинг самараси эса кўп жиҳатдан янги резервлардан қай даражада унумли фойдаланишга боғлиқдир.

**З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент тўқимачилик комбинати.**

## СОВЕТЛАР ВА ҲАЁТ

### КЛУБ ВА СТАДИОНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ МУМКИН

ҚИШЛОҚ Советимиз территориясида 1637 хонадон бор. Уларда 12 минг 167 киши яшайди. Шунча аҳоли учун иккитагина клуб бор, холос. Маданий хизмат кўламини кенгайтириш учун бу кам, албатта.

Спорт иншоотлари соҳасидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Агар қишлоқларимиздаги учта мактабнинг физкультура майдонларини ҳисобга олмасак, бизда спорт иншооти умуман йўқ дейиш мумкин. Ростини айтганда, бу физкультура майдонлари ҳам типовой эмас, ҳар қайси мактаб ўз ҳолича қуриб олган.

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб бериш мақсадида бу соҳадаги ишларни жонлантириб юбордик. Қишлоқ Советининг 75 депутати маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, оммавий-тарбиявий ишларни жонлантириш учун курашмоқда. Ҳозир Ильич номли колхозда клуб қурилиши олиб бориляпти.

784 ўқувчига мўлжалланган мактабнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлди. Унда спорт комплекси қурилиши ҳам назарда тутилган. Қурилиш ишлари келгуси йили бошланади. Ильич номли колхоз бу қурилишлар учун етарли маблағ ажратган.

Ўқувчилар ва мактабгача ёшдаги болалар учун объектлар қуриш билан бирга чўмилиш ҳавзалари ва дам олиш зоналарини ҳам ташкил этишимиз зарур. Ана шу қурилишлар учун биз ички резерв ва имкониятларни излаяпмиз.

Қишлоқ Совети территориясида колхоздан ташқари бир қатор йирик корхона ва ташкилотларнинг бўлинмалари ҳам жойлашган. Уларда меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги бизнинг қишлоқларимизда яшашади, албатта. Ана шу корхоналарнинг бўлинмалари маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшимча маданий муассаса ва спорт иншоотлари барпо этамиз.

**Ш. ҚОЗОҚБОЕВ,**
**Тошкент районидаги Ҳасанбой қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.**

**Суратда: қишлоқ совети раиси Ш. Қозоқбоев (чапдан), раис ўринбосари М. Миржалилов, қишлоқ совети секретари А. Абдуқаюмов ва шахсий пенсионер Р. Бозоров ўртоқлар меҳнаткашлардан тушган хат ва шикоятлар асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларни муҳокама қилмоқдалар.**

**А. Абалян** фотоси.

## РАҲМАТ!

**Ҳурматли редакция!**

**Газетангиз саҳифаларида ўз касбига садоқатли, камтар ва ширинсухан врачларга билдирилаётган миннатдорчиликларни ўқиб бораман. Ҳақиқатан ҳам улар хизматини дард тортиб, соғайганлар яхши билишади.**

**Яқинда Тошкент шаҳрининг 487-боғчасида тарбияланаётган набирам Нодиранинг оёғи синиб қолди. Боғчадан уни уйга кўтариб олиб келдик ва тезда 17-касалхона врачларига мурожаат қилдик. Лекин бу ерда оёғи гипсга солинган набирам нажот тополмади. Иситмаси кўтарилиб кетаверди. Биз уни Тошкент шаҳар 5-ихтисослашган болалар шифохонасига олиб бордик. Реанимация бўлими нажоткорлари Искандар Фазлиддинов, Дилором Тошбекова, ҳамширалар Раъно Мавлонова, Дилором Саидхўжаева, Гулноза Комиловалар гипсни дарҳол олиб, қорайиб кетган оёқни муолажа қила бошладилар. Уларнинг тезкорлиги туфайли набирам оёғи тузалди.**

**Мен I-группа уруш инвалидиман. Юқорида номлари келтирилган кишиларни чинакам нажоткорлар деса бўлади. Уларга катта раҳмат. Қўллари дард кўрмасин. Фарзандларимиз бахтига омон бўлишсин.**

**Ш. ИБРАГИМОВ,**
республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

## ХАТЛАР, ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР

### «ҲАМОН ЎЗГАРИШ ЙЎҚ»

**Газетанинг 30 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган ташвишли сигналда Облиқ қишлоғидаги 29-ўрта мактаб янги ўқув йилига мутлақо тайёрланмаганлиги танқид қилинган эди.**

**Мақолага халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети раиси С. Холмирзаевдан жавоб олинди.**

**29-мактаб норуда материаллари карьери оталиғида бўлганлиги учун танқидий мақола мазкур корхона ва шаҳар халқ маорифи бўлими раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди, кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. Ишда камчиликларга йўл қўйгани учун мактаб директори У. Э. Эралиев вазифасидан бўшатилди. Мактабни янги ўқув йилига намунали тайёрлаш устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун Р. Г. Кучина қаттиқ огоҳлантирилди.**

**Танқиддан сўнг мактаб синфхоналари жорий ремонтдан чиқарилди. Мактаб қозонхонасининг қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида норуда материаллари карьери раҳбарлари зиммасига шу йилнинг 1 ноябригача кўмирхона қуриб бериш мажбурияти юклатилди.**

## ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

### ПАЙСАЛГА СОЛМАНГ

Областимиз бўйича ҳозиргача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 минг нусха кўп обуна тўпланди. Чиноз, Оҳангарон районлари, Янгиобод, Ангрен шаҳарларидаги меҳнат коллективларида газета ва журналларга ёзилиш уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Лекин ҳамма шаҳар ва районларда ҳам обуна ишлари намунали бораяпти, деб бўлмайди. Оржоникидзе райони айниқса орқада қолмоқда. Янгийўл, Бекобод, Бўстонлиқ, Пискент районларида ҳам янги йил матбуотига обуна тўплаш ишлари ниҳоятда сустдир. Партия ташкилотлари секретарлари бунга пахта йиғим-теримини рўкач қилмоқдалар. Лекин бу хил баҳоналар ўринли эмас. Ҳозир ҳамма далада меҳнат қилаётган бир пайтда жамоатчи обуна тўпловчилар ишни бевосита далаларда ташкил қилишлари керак. Обунани дала шийпонларида ўтказиш мумкин.

Вақт ўтиб бораяпти. Ҳадемай обуна муддати тугаб қолади. Шундай экан, ҳозирги кунда обуна ишларини ҳар томонлама жонлантириш, газетхон ва журналхонлар сафини кенгайтириш устида ғамхўрлик қилиш керак.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

### САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. ҲАСАНОВ жавоб беради.**

●

**САВОЛ: мен шифохонада даволаниб, касаллик варақасини иш жойимга топширдим. Аммо кадрлар бўлими иш стажимга ҳарбий хизматдаги вақтни қўшмай, кам кўрсатибди. Шу тўғрими?**

**Р. МЎМИНОВ,**
**Оржоникидзе районидаги «Қибрай» посёлкаси.**

**ЖАВОБ:** СССР Қуролли кучлари сафидан запасга бўшатилган ва истеъфога чиқарилган кишиларга қонунчилик бир қанча имтиёзлар белгилайди. Жумладан, СССР Қуролли кучлари сафида хизмат қилган давр умумий меҳнат стажига қўшилади. Давлат социал страхованиеси бўйича нафақалар тайинлашда ва кўп йиллик хизматлари учун мукофот тўлашда ҳарбий хизматдан бўшаб келганларга, уларнинг ҳарбий хизматлари давридаги вақтлари узлуксиз стажга қўшилиб, ҳисобланади, аммо бунинг учун ҳарбий хизмат тугаши билан ишга кириш орасидаги муддат 3 ойдан ошмаслиги шарт.

●

**САВОЛ: мен ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқишни давом эттира бошладим. Биринчи имтиҳонларга қадар менга стипендия тўланадими?**

**Э. ҲАМИДОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан СССР Қуролли кучлари сафига чақирилган шахслар демобилизация қилинганидан кейин 3 йил мобайнида ўқишни тикласалар уларга имтиҳон сессияларининг натижаларига қадар стипендия тайинланади.

●

**САВОЛ: мен муддатдан ташқари ҳарбий хизматдан уйга қайтиб келдим. Энди ишга жойлашишим учун қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?**

**Р. САЙФУЛЛИН,**
**Ангрен шаҳри.**

**ЖАВОБ:** ҳарбий хизматдан муддатдан ташқариги хизматдан сўнг демобилизация қилинган офицер, прапоршик, мичманлар ва муддатдан ташқари хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар истиқомат қилиш жойига келган кундан бошлаб бир ой ичида ўз ихтисосликлари бўйича ишга жойлаштириладилар.

## АЙБ ИЧКИЛИКДАМИ, ИЧУВЧИДАМИ?

### ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТИМИЗ НОРМАСИ

ИШ юзасидан деярли ҳар куни бирон бир суд мажлисида қатнашишга ёки айбланувчи билан суҳбатлашишга тўғри келади. Уларнинг биридан нафратланасан, бирига ачинасан. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам қонун чегарасидан чиқиб кетиш мумкин эмас, яъни нафрат уйғотган айбланувчига оғирроқ, ачиниш туғдирган айбланувчига эса енгилроқ жазо бериб бўлмайди. Улар — жиноят қилишган ва мана шу жиноятларига яраша қонун асосида жазоланадилар.

Терговчининг, прокурорнинг, судьянинг айбланувчига нисбатан шахсий фикрлари, инсон сифатидаги юқоридагича туйғулари жазо белгилашга таъсир қиладими? Албатта, таъсир қилади, фақат, қонун доирасида. Жиноят кодексининг моддаларида маълум бир жиноят, масалан, уч йилдан беш йилгача белгиланган. Ана шу орадаги икки йил фарқ айбланувчининг аввало содир қилган жиноятининг оғир — енгиллиги, қолаверса унинг шахси тўғрисидаги жамоат фикри, коллектив характеристикаси ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар инобатга олиниб, кам ёки кўп тайинланади. Бунга икки аниқ жиноятни мисол қилиб келтирамиз. Бу жиноятлар ичкилик оқибатида келиб чиққани билан характерлидир.

Шожалил Тўйчиев 39 ёшда. Авжи оила тўғрисида қайғурадиган, бола-чақасининг истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қиладиган, ўзи меҳнат қилаётган коллективда танилиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўладиган ёшда. Афсуски, бу одам ҳақида бунақа илиқ гапларни айтиб бўлмайди. Аксинча, шу ёшга келиб бирор жойда ёлчитиб узоқроқ ишламаган, ҳамма нарсани ичкиликка алишган. Оқибатда икки марта Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 204 моддаси билан—безорилиги учун қамалиб чиққан. Биринчи марта 1975 йилда юқоридаги модданинг биринчи қисми билан бир йилга, иккинчи марта 1980 йилда шу модданинг иккинчи қисми билан уч йилга озодликдан маҳрум этилган. Яқинда эса у Октябрь район халқ суди томонидан мазкур модданинг учинчи қисми билан беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Нима учун? Спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда безорилик қилгани учун. Қаерда, кимга? Уйда, ўзининг уйида. Укасининг хотини, синглиси ва... онасига нисбатан безорилик қилгани учун!

Ана шундай безорилиги учун илгари икки марта қамалиб чиқса ҳам тавбасига таянмаган Ш. Тўйчиев бу гал, юқорида айтганимиздек, янада оғир жазога — беш йил қамоққа маҳкум этилди.

Бу воқеада яна бир нарса бизни ташвишлантиради. Шожалил маҳаллада «отнинг қашқасидек» таниқли эди, икки марта қамалиб чиқиб яна кайфу сафода тараллабедод қилиб, юраверган, бекорчи. Ишга киришни хаёлига ҳам келтирмаган. Октябрь районидаги Фармон кўчасида яшовчи жамоатчилик, маҳалла активлари нега уни тартибга чақиришмади, қамоқдан қайтиб келган Ш. Тўйчиев бир йилдан ортиқ ишламай юрса ҳам нега участка инспектори бунга бефарқ қаради?

Жиноятнинг аксарияти бекорчилик ва ичкиликбозликдан келиб чиқади. Бекорчилик билан ичкиликбозлик эса эгизак. Шундай экан, маҳалла активлари, участка инспектори Шожалилга лоқайд қарашлари, яна оғир жиноят қилиши учун ўз ҳолига ташлаб қўйишлари керакмиди?

Иккинчи «қаҳрамон»имиз анча ёш, йигирма саккизда, айни куч-қувватга тўлган пайти. У — Икром Иноғомов, Калинин район идорадан ташқари соқчилик бўлимида ишлар эди. Эътибор беринг, безориликда айбланган бу йигит гарчи давлат ташкилотида ишласа ҳам унинг бекорчи вақти кўп, ҳафтада бир-икки кун ишлаб, қолган вақтда бўш. У ана шу бўш вақтини жамиятга ва шу билан бирга оиласига фойдали ишга сарфлаш ўрнига ичкиликбозликка сарфлади.

Икром шу йил 23 февраль куни «Москва» меҳмонхонасидаги ресторанда ўртоғи билан «отишиб», шу ерда Пермдан келган туристлар билан танишибди. Фойега чиққач янги «дўстлари»ни йўқотиб қўйибди. Уларни излаб 12-қаватга чиқибди. 12-қават навбатчиси Валентина Қамбарованинг кўрсатмасидан:

— Кечаси зинани тозалаётган эдим, нотаниш йигит келиб, пермлик туристлар борми, деб сўради. Йўқ, дедим. Сув беришни илтимос қилди, пиёлага қуйиб бердим. Бу сув илиқ экан, деди, крандан совуқ сув қуйиб бердим. У бирдан менга ёпишди, қўрқиб кетиб бақирдим. Хоналардан туристлар чиқиб ажратиб қўйишди.

И. Иноғомов уч йилга озодликдан маҳрум этилди...

Акаси Саидвали Иноғомовнинг кўрсатмасидан:

— 23 февраль куни кечқурун Икром кайф билан уйдан чиқиб кетди. Ўзи унга ичкилик ёқмайди, сал ичса ўзини йўқотиб қўяди.

Шундай экан, нега ичади. Унга-ку ичкилик «ёқмас экан», лекин ичкилик «ёқадиган» одамнинг ўзи борми? Ўйлаб, хотирлаб кўрингчи— «менга ичкилик ёқади, мен арoқ ё коньякдан даволандим» ёки «мен ичкиликдан барака топдим, фалон нарсага эришдим» деган одамни ҳеч эшитганмисиз?..

Кайф устида бировнинг дили ранжитилса, жамоат тартиби бузилса ёки жиноятга қўл урилса, кейин, ичкилик айбдор, дейилади одатда.

Йўқ, гап ичкиликда эмас, уни кўрганда нафсини тиёлмайдиган ичкиликбоз одамнинг ўзи айбдор! Қонунда ҳам шундай — ичкилик жиноятни оғирлаштиради, жазони кучайтиради.

**А. ФАЙЗИЕВ,**
**Октябрь район прокурорининг ёрдамчиси.**

